

ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳасанов Бекзод Ҳасанович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Навбатчилик кисми катта прокурори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22872714>

Received: 16 September 2026 • Accepted: 20 September 2026 • Published: 21 September 2026

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини олий қадрият сифатида эълон қилиб, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашни давлатнинг конституциявий мажбурияти даражасига қўтарди¹.

Жиноят ишлари юритувида вояга етмаган шахсларнинг гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатидаги иштироки болага хос рухий-психологик хусусиятларни, унинг ёшига мос ҳуқуқий кафолатларни таъминлашни талаб қилади. Ушбу борада вояга етмаганни сўроқ қилиш жараёнида психологнинг иштироки нафақат процессуал талаб, балки боланинг рухий хавфсизлигини таъминлашнинг ва унинг кўрсатувлари ишончилигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Болалар катта ёшдаги шахслардан фарқли ўлароқ, воқеаларни идрок этиш, эсда сақлаш ва сўз орқали ифодалашда ўзига хос ақлий ҳамда ҳиссий хусусиятларга эга. Улар кўпинча стресс ҳолатида, нотаниш расмий муҳитда, ўзига нисбатан катталар томонидан савол берилаётганида қўрқув, уялиш ёки итоаткорлик туйғулари остида қолиб, воқеани тўлиқ ёки тўғри баён қила олмаслиги мумкин. Айнан шу сабабли жиноят-процессуал қонунчилик вояга етмаганни сўроқ қилишда махсус билимга эга мутахассис — психолог ёки педагогнинг иштирокини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти сифатида мустаҳкамланган². Ушбу конституциявий норма жиноят процессида иштирок этаётган ҳар қандай вояга етмаган шахсга нисбатан унинг ёшига мос, рухий жиҳатдан хавфсиз шароит яратилишини давлат зиммасидаги мажбурият сифатида белгилайди. Бу эса сўроқ жараёнида психолог иштирокини талаб қилувчи процессуал нормаларнинг конституциявий-ҳуқуқий негизини ташкил этади.

Шунингдек, Конституциянинг 65–67-моддаларида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида экани, фарзандларнинг ота-онасининг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган бўлиб, бу нормалар мажмуи вояга етмаган иштирокидаги ҳар қандай процессуал ҳаракатнинг, жумладан сўроқни боланинг энг яхши манфаатларини кўзлаган ҳолда, унинг кадр-қимматини камситмайдиган шаклда ўтказилишини тақозо этади.

¹Ўзбекистон Республикасининг Янги тахрирдаги Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат санаси: 08.09.2026).

²Вояга етмаганлар одил судлов ҳимоясида // URL: <https://yuz.uz/oz/news/voyaga-etmaganlar-odil-sudlov-himoyasida> (мурожаат санаси: 08.09.2026).

Айнан психолог мутахассис сифатида ушбу конституциявий кафолатларни амалий жараёнда терговчи ёки судья билан бола ўртасидаги “восита” вазифасини бажаради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга мувофиқ, психолог жиноят процессида ёрдамчи функцияни бажарувчи иштирокчилардан бири мутахассис сифатида иштирок этади. Мутахассис сифатидаги психолог махсус билим ва тажрибага асосланиб терговчи, суриштирувчи ёки судга процессуал ҳаракатларни ўтказишда, жумладан, вояга етмаган билан алоқа ўрнатиш, унинг ёши ва ривожланиш даражасига мос саволларни шакллантиришда, боланинг руҳий ҳолатини баҳолашда амалий кўмак кўрсатади. Психологнинг иштироки далил йиғиш жараёнининг қонунийлигини ва ҳосил бўлган кўрсатувларнинг ишончлилигини таъминловчи процессуал кафолатлардан бири ҳисобланади.

ЖПКнинг 121-моддаси “Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари”ни махсус тартибга солади ва вояга етмаганни сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирокини назарда тутди. Қонунчиликнинг мазкур нормаси орқали давлат вояга етмаган иштирокидаги сўроқни оддий процессуал ҳаракатдан фарқли, махсус усул ва ёндашувни талаб қиладиган ҳаракат сифатида тан олади. Психологнинг мажбурий иштироки, айниқса, ёши кичик (масалан, мактабгача ёшдаги ёки бошланғич синф ёшидаги) болалар иштирок этаётган ишларда алоҳида аҳамият касб этади, чунки уларнинг нутқ ва хотира хусусиятлари катталар томонидан тўғри талқин қилиниши учун махсус профессионал ёндашувни талаб қилади.

Шунингдек, Кодекснинг 19-моддасига мувофиқ, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатганда судлар ошкоралик тамойилидан истисно тартибида ёпиқ суд мажлисини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб³, бу норма ҳам боланинг руҳий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, психологнинг вазифаси айнан шундай ҳимояланган муҳитда боланинг эмоционал ҳолатини назорат қилиш ва зарур ҳолатда процессуал ҳаракатни тўхтатиш тўғрисида таклиф киритишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 9-бандида муҳим қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатувлари унинг қонуний вакили, зарур ҳолларда эса педагог ёки психолог иштирокисиз олинган бўлса, бундай далил мақбул эмас деб топилади⁴. Ушбу қарор психолог иштирокини шаклий талаб эмас, балки унга риоя қилинмаслиги далилнинг юридик кучини йўққа чиқарувчи, яъни процессуал жиҳатдан мажбурий шартга айлантирган муҳим кафолатдир.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарорида жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича ишларни кўришда ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги) болалар ожиз аҳволдаги шахс сифатида баҳолалиши лозимлиги алоҳида таъкидланган⁵. Бундай тоифадаги болалар билан ишлашда психологнинг иштироки, уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, айниқса устувор аҳамиятга эга бўлади, чунки фақат махсус тайёргарликка эга мутахассисгина кичик ёшдаги боланинг когнитив имкониятларига мос усулда ундан ишончли маълумот олиши мумкин. Амалиётда, шунингдек, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши мумкинлиги алоҳида тан олинган.

2024 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун психолог фаолиятининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлади⁶. Қонунга мувофиқ, психологик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар унинг касбий сири ҳисобланиб, тиббий сирга тенглаштирилади ва бундай маълумотларнинг розиликсиз ошкор

³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси//URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат санаси: 09.09.2026).

⁴Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори//URL: <https://lex.uz/docs/3895986> (мурожаат санаси: 10.09.2026).

⁵Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/acts/2414120> (мурожаат санаси: 10.09.2026).

⁶Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни, // URL: <https://lex.uz/docs/7196808> (мурожаат санаси: 10.09.2026).

этилишига фақат терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, тергов органлари, прокуратура ва суднинг ёзма сўрови бўйича, қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Ушбу норма психологнинг жиноят процессидаги иштироки нафақат процессуал, балки касбий-этик жиҳатдан ҳам мустақкам ҳуқуқий қафолатларга эга эканини кўрсатади. Бу эса унинг вояга етмаган билан ишлашда ҳолис ва профессионал мавқеини таъминлайди, шунингдек, унинг тавсиялари ва ҳулосаларининг далил сифатидаги аҳамиятини оширади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан қўшилиниган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция⁷ бир қатор нормалар орқали болага дахлдор процессуал ҳаракатларда психологик ёрдам ва қўллаб-қувватлаш зарурлигини белгилайди. Конвенциянинг 12-моддасида боланинг ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқи ва бу фикрга унинг ёши ҳамда етуқлик даражасига мувофиқ тегишли аҳамият берилиши, 3-моддасида эса “боланинг энг устувор манфаатлари” тамойили мустақкамланган. Мазкур тамойилларни амалда рўёбга чиқариш, яъни болага ўз фикрини эркин ва тўғри ифода этиш имконини яратиш психологнинг касбий қўникмалари орқали таъминланади.

Конвенциянинг 39-моддасида ҳар қандай зўравонлик, эксплуатация ёки қийноқ қурбони бўлган болага жисмоний ва руҳий соғлигини тиклаш ҳамда ижтимоий реинтеграциясига кўмаклашувчи барча тегишли чора-тадбирлар қўрилиши белгиланган. Бу норма жиноят процесси давомида ҳам, ундан кейин ҳам психологнинг узлуксиз қузатуви ва ёрдамини тақозо этади.

БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг (ECOSOC) 2005 йил 22 июлдаги 2005/20-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Жиноятлар қурбони ва гувоҳи бўлган болаларга нисбатан одил судлов тўғрисида”ги йўриқномалар⁸ жиноят қурбони ёки гувоҳи бўлган болаларга нисбатан амалиётчи мутахассисларнинг ёндашувини белгилайдиган асосий халқаро норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Йўриқномаларнинг “самарали ёрдам олиш ҳуқуқи” деб номланган бўлимида жиноят қурбони бўлган болалар ва гувоҳлар, шунингдек зарур ҳолатларда уларнинг оила аъзолари тегишли тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан кўрсатиладиган ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани таъкидланган⁹.

Йўриқномаларнинг 41–46-бандларида мутахассисларнинг жиноят қурбони ва гувоҳи бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини самарали ҳимоя қилиш ва қондириш учун тегишли тайёргарликдан ўтказилиши, шунингдек, болалар билан ишлашда идоралараро ёндашувни қўллаш зарурлиги белгиланган¹⁰. Йўриқномалар модели қонунчилик лойиҳасида эса “қўллаб-қувватловчи шахс” тушунчаси ва унинг суриштирув ҳамда суд босқичларидаги функциялари алоҳида моддаларда батафсил белгиланган. Бу шахс кўпинча айнан психолог ёки болалар билан ишлашга ихтисослашган ижтимоий ходим бўлади¹¹.

Европа Кенгашининг Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (Лансароте конвенцияси) 2010 йил 1 июлдан кучга кирган бўлиб, унинг 30-моддасида терговнинг боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш тамойилига

⁷ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // URL: <https://lex.uz/docs/2595913> (мурожаат санаси: 11.09.2026).

⁸ UN Economic and Social Council 2005/20: Guidelines on Justice in Matters Involving Child Victims and Witnesses of Crime, 22 July 2005 // Refworld, БМТ Бош котибиятининг расмий маълумотлар базаси. URL: <https://www.refworld.org/legal/resolution/ecosoc/2005/22129> (мурожаат санаси: 11.09.2026).

⁹ Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime, IX bo'lim: The right to effective assistance // UNODC/Police Human Rights Resources. URL: <https://policehumanrightsresources.org/content/uploads/2025/05/resolution-2005-20.pdf> (мурожаат санаси: 11.09.2026).

¹⁰ Guidelines on Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime, para. 41–46 // UNODC, Training Programme for Prosecutors and Judges. URL: https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Training_Programme_on_the_Treatment_of_Child_Victims_and_Child_Witnesses_of_Crime_-_Prosecutors_and_Judges.pdf (мурожаат санаси: 11.09.2026).

¹¹ Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime — Model Law and Related Commentary, Article 18–19 (Functions of the support person) // UNODC. URL: https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Justice_in_matters...pdf (мурожаат санаси: 11.09.2026).

мувофиқ, сўроқлар сони чекланган ва зарур ҳолларда мутахассис (психолог) иштирокида олиб борилиши белгиланган ¹². Европа Кенгашининг “Болага дўстона одил судлов бўйича йўриқномалари”да эса вояга етмаганлар билан ишлаётган барча мутахассислар, жумладан судьялар, прокурорлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар болалар психологияси ва ривожланиши бўйича мултидисциплинар тайёргарликдан ўтиши тавсия этилади. Амалиётда бу тайёргарликнинг марказий бўғини айнан психологлар билан ҳамкорлик ҳисобланади ¹³.

Скандинавия давлатларида кенг қўлланилаётган Barnahus (“Болалар уйи”) модели ҳамда АҚШнинг NICHD структуравий сўроқ протоколида ҳам психолог (ёки махсус тайёрланган интервьюер) марказий ўринни эгаллайди. У болада хавфсизлик ҳиссини шакллантириш, алоқа ўрнатиш ва боланинг эркин хотирасидан очиқ саволлар орқали энг тўғри маълумотни олиш вазифаларини бажаради ¹⁴. Ушбу халқаро тажриба психолог ва мутахассис-интервьюернинг вояга етмаганни сўроқ қилишдаги ролини на шунчаки “кузатувчи”, балки жараённинг фаол ва методологик жиҳатдан асосий иштирокчисига айлантириш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида кўриб чиқилган миллий ва халқаро-ҳуқуқий нормаларни умумлаштирган ҳолда, вояга етмаганни сўроқ қилиш жараёнида психологнинг қуйидаги асосий амалий функцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Алоқа ўрнатиш, яъни сўроқ бошланишидан олдин бола билан ишончли муносабат ўрнатиш, унинг ҳиссий ҳолатини барқарорлаштириш;

2. Саволларни болага мослаштириш, яъни терговчи томонидан берилаётган саволларнинг боланинг ёши, нутқ ва когнитив ривожланиш даражасига мослигини назорат қилиш ҳамда етакчи ёки таклиф қилувчи саволларнинг олдини олиш;

3. Боланинг ҳиссий ҳолатини мунтазам кузатиш, яъни сўроқ давомида боланинг чарчаши, қўрқуви ёки қайта руҳий зўриқий олиш белгиларини аниқлаш ва зарур ҳолда процессуал ҳаракатни тўхтатиш ёки танаффус беришни таклиф этиш;

4. Кўрсатувнинг ишончилигини баҳолашга кўмаклашиш, яъни боланинг айтганларини унинг ёшига хос идрок этиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда терговчи ёки судга изоҳлаб бериш;

5. Боланинг қонуний ҳуқуқларини тушунтириш, яъни бола тушунадиган тилда унинг ҳуқуқлари (жумладан жавоб бермаслик, тушунмаган саволни қайта сўраш ҳуқуқи)ни изоҳлаш;

6. Психологик ёрдам, яъни сўроқдан кейин боланинг руҳий ҳолатини барқарорлаштириш ва зарур ҳолда узоқ муддатли психологик реабилитацияга йўналтириш.

Мазкур функцияларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун психолог нафақат умумий психология бўйича, балки махсус равишда болалар билан ишлаш, суд-психологик экспертиза ва жинойт процессининг асослари бўйича қўшимча тайёргарликдан ўтган бўлиши талаб этилади.

Миллий қонунчилигимизда психологнинг иштироки мустаҳкамланган бўлса-да, бироқ амалиётда қуйидаги бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчидан, психолог ва педагог тушунчалари кўпинча амалиётда бир-биридан аниқ фарқланмайди ва баъзи ҳолларда мактаб педагоги психолог ўрнида иштирок этирилиши мумкин, бу эса ихтисослашган психологик ёндашувнинг етишмаслигига олиб келади;

иккинчидан, терговчи ва суриштирувчилар учун психолог билан ҳамкорлик бўйича ягона услубий қўлланма (масалан, NICHD типидagi структуравий протокол) мавжуд эмас;

учинчидан, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида иштирок этувчи психологларни малака ошириш ва сертификатлаш тизими етарлича ривожланмаган;

¹² Lanzarote Convention // Council of Europe, Children's Rights. URL: <https://www.coe.int/en/web/children/lanzarote-convention> (мурожаат санаси: 11.09.2026).

¹³ Implementing the Nordic Barnahus Model: Characteristics and Local Adaptions // Springer Nature Link (Европа Кенгашининг 2010 йилги йўриқномаларига ва Лансароте конвенциясига ҳавола келтирилган). URL: https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-319-58388-4_1 (мурожаат санаси: 11.09.2026).

¹⁴ The NICHD Protocol covers all phases of the investigative interview; rapport-building phase // ScienceDirect, Child Abuse & Neglect. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0145213407002438> (мурожаат санаси: 11.09.2026).

тўртинчидан, сўроқ жараёнини мажбурий видео ёзувга олиш ва “бир марталик сўроқ” тамойили умумий норма сифатида барча тоифадаги ишларда тўлиқ жорий этилмаган, бу эса психологнинг такрорий қўшимча сўроқлардаги иккиламчи руҳий зўриқиш олишини олдини олиш борасидаги ролини чеклайди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида куйидагиларни тавсия этамиз:

— терговчи, суриштирувчи ва судьялар учун психолог билан ҳамкорлик тартибини белгилувчи ягона услубий йўриқнома ишлаб чиқиш;

— болалар билан ишлашга ихтисослашган психологларни давлат томонидан сертификатлаш ва мунтазам малака ошириш тизимини яратиш;

— вояга етмаган иштирокидаги сўроқларни мажбурий видео-аудио ёзувга олиш ва бир марталик сўроқ тамойилини қонунчиликка тўлиқ мустаҳкамлаш; шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида ёки улар билан ҳамкорликда доимий асосда фаолият юритувчи, болалар билан ишлашга ихтисослашган психологлар штатини кенгайтириш.

Ўйлаймизки, ушбу тезисда илгари сурган таклиф ва тавсияларимиз вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий эркинликка қарши жиноятларни самарали тергов қилишни ташкил қилишга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси // <https://lex.uz>
2. Вояга етмаганлар одил судлов ҳимоясида // <https://yuz.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори // <https://lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарори // <https://lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни, // <https://lex.uz>
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // <https://lex.uz>
8. UN Economic and Social Council 2005/20: Guidelines on Justice in Matters Involving Child Victims and Witnesses of Crime, 22 July 2005 // Refworld, БМТ Бош котибиятининг расмий маълумотлар базаси. <https://www.refworld.org>
9. Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime, IX bo'lim: The right to effective assistance // UNODC/Police Human Rights Resources. <https://policehumanrightsresources.org>
10. Guidelines on Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime, para. 41–46 // UNODC, Training Programme for Prosecutors and Judges. <https://www.unodc.org>
11. Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime — Model Law and Related Commentary, Article 18–19 (Functions of the support person) // UNODC. <https://www.unodc.org>
12. Lanzarote Convention // Council of Europe, Children's Rights. <https://www.coe.int/en/web/children/lanzarote-convention>
13. Implementing the Nordic Barnahus Model: Characteristics and Local Adaptions // Springer Nature Link (Европа Кенгашининг 2010 йилги йўриқномаларига ва Лансароте конвенциясига ҳавола келтирилган). <https://link.springer.com>
14. The NICHD Protocol covers all phases of the investigative interview; rapport-building phase // ScienceDirect, Child Abuse & Neglect. <https://www.sciencedirect.com>